

## БУЙРУҚ МАЗМУНИДАГИ МАҚОЛЛАРИНИНГ МАЗМУН КЎЛАМИ ВА ИФОДА УСУЛЛАРИ (ЯПОН ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).

Ачилова О.Ф

*СамДЧТИ ўқитувчиси. free\_hikari83@yahoo.co.jp*

Маълумки, инсоният турмуш тарзи, кундалик ҳаётининг ва руҳий кечинмалари, дунёқараши ҳамда ақл - фаросати, умуман олганда, биз билан боғлиқ бўлган тўғарак оламнинг барча қирраларини моҳиятан ўзида мужассам этган мақол ва маталлар даврлар оша сайқалланиб, мазмун кўлами тобора кенг қулоқ ёйиб бормоқда. Уларнинг инсон кундалик ҳаётидаги ўрнининг чуқур илдиз олишидан мақсад асосан кишиларни эзгуликка чорлаш ва жамият тартиботини раволикка йўналтиришга қаратилган.

Дарҳақиқат, мақоллар моҳиятан ва функционал жиҳатдан бир - бири билан ўхшаш табиатга эга бўлса - да, уларнинг ғоявий - тематик мазмуни ва структур ҳамда луғавий таркиби жиҳатидан бир - биридан тафовутли жиҳатлари ҳам мавжуддир.

Шу ўринда рус паремиологи Г. Л. Пермяков келтирган қуйидаги калиманинг нечоғлиқ ўринли эканлигига тўхталишни жоиз топдик: “Мақоллар катта миқдорда мавжуд бўлиб, уларда гап мазмунининг турлича кўринишда воқеланиши эса ажабланарли ҳолат эмас. Мақоллар сўзлар сони, гапнинг грамматик тўлиқлиги, сўз бирикмаларининг морфологик, конструктив ва коммуникатив турлари ҳамда урғуларнинг характери каби бир қатор хусусиятлар ва уларнинг турли комбинацияларига кўра фарқланади” [4; 75].

Тилдан онгли фойдаланиш инсоннинг дастлабки жараёнларидан тил ривожланишига катта таъсир ўтказувчи висита сифатида муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан, япон мақолшунослари инсон ёшлик давридан оқ турли хил ифодаларга эга бўлган мақол ва иборалардан таркиб топган жумлалар билан танишиш тарофдоридирлар. Бу, биринчи навбатда, мураккабликларга эга бўлган япон алифбосига қизиқишни оширса, мақол ва маталлар, шунингдек, ҳикматли сўзларнинг иллюстрация воситасида ифодаланиши шахсда инсоний хусусиятларнинг дастлабки босқичлардан шаклланишига имкон беради.

Шунингдек, ўқишга бўлган қизиқишни орттириб, инсоний ғоялар ва маънавий қадриятларга бўлган эҳтиромнинг ошиши каби тарбиявий жараён билан боғлиқ жиҳатларга эгаллиги билан хусусиятланади. Бу эса ўз навбатида, сўз бойлигининг ортиши ва улардан самарали фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш, шунингдек, илм оламига осон ва қувноқ кириб бориш имконини беради.

Япон халқи, одатда, мулоқот матнида, айниқса, ёзма нутқ жараёнида жумланинг ихчам ва тиниқ ифодаланишига катта аҳамият беради. Ушбу хусусиятларни, одатда, ибратли ва ҳикматли сўзлар ва мақолларда кузатиш

мумки. Ушбу жиҳатдан, ушбу халқ орасида мақолларга бўлган эҳтиром ўзгача тус олган [6; 21].

Мақоллар ҳар қандай тилда ҳам жамиятни ҳақ йўлга ундовчи, ёвузлик ва кўнгилсиз воқеа - ҳодисаларни аритиш каби эзгуликка ундовчи мазмунда, хусусан, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва эзгулик кабилар ёки уларнинг акси ифодаланган мавзуларда ифода топади. Япония ҳам бундан мустасно эмас, у кичик ороллардан иборат давлат бўлса - да, ўзига хос географик муҳити, маданий тупроғига эга бўлиб, ана шу заминда ўзига хос мақоллар шаклланган ва ривожланган маскандир.

Япон миллий характери ва маданиятига хос хусусиятлар мақолларда махсус сўз сифатида гавдаланишини кузатиш мумкин. Япон тилининг келиб чиқиши, ривожланиши ва ўзгаришларини ўрганиш нуқтаи назаридан, шунингдек, ўзбек ва япон мақолларини қиёслашда ҳам тил ва маданият уйғунлигини турли томонлардан ўрганиш катта аҳамиятга эга [8; 43].

Мақоллар инсон сўзлари ва донолигининг уйғунлашуви ҳосиласи бўлиб, номидан кўриниб турибдики, улар “сўз асари” дир, “мақоллар кундалик ҳаётдан туғилган ҳаётий ҳикматдир”, деб таърифланади манбааларда [7; 57].

Япон мақолларининг аксарияти Эдо даврида оддий халқ ҳаётидан келиб чиққанлиги маълум. Мақолларда нафақат ҳис - туйғулар, ғазаб, қайғу ва қувонч, балки инсон ва табиат, ҳайвонлар ва ўсимликлар ўртасидаги муносабатларга ҳам эътибор қаратилган эди. Ушбу давр мақоллари асосан деҳқонлар ва ҳунармандлар ўртасида яратилиб, халқ орасида кенг тарқалган ва ҳозирги кунда ҳам япон жамиятида кенг қўлланилиб келинмоқда. Демак, мақоллар японлар ҳаётида ҳозир ҳам фаолликка эга бўлиб, жамият мураккаблик даражасида ўзгарган тақдирда ҳам, инсон табиати ўзгармас ва у кишилар қалбида сақланиб қоладишидан далолатдир.

Инсон ақл - идроки бутун дунёда бир хилликка эга бўлгани боис, уларнинг эътиқоди ва миллати ҳар хилликка эга бўлса ҳам, ҳар бир халқ вакиллари томонидан яратилган мақоллар бир хил эзгулик мақсадида воқеланишига шубҳа йўқ. Уларда ўша халқнинг ўзлиги акс этади. Хусусан, япон халқи табиат билан ёнма - ён яшаши, камтарин, меҳнаткаш ва жиддий экани бутун дунёда тан олинган ҳақиқатдир.

Шу сабабдан, меҳнат ва деҳқончилик ҳаёти таъсирида яратилган кўпгина мақолларда япон халқига хос меҳнатсеварлик ва доноликни кўриш мумкин ва улар қадимги одамларнинг кузатиш қобилиятини ҳайратомуз тарзда акс эттиради. Бу борада, албатта, ўзбек халқ мақоллари билан уйғунликка эгадир:

Япон тилида: 稲光は豊年の兆し。(Inabikari wa hōnen no kizashi) . [8; 43]

Чақмоқ - яхши ҳосилнинг белгиси.

Ўзбек тилида: Ҳўл ёғочдан ҳосил унар [5].

Изоҳ: Илгари одамлар чақмоқ яхши ҳосил олиб келишига ўз тажрибасидан ишонишган. Илмий жиҳатдан ҳавонинг таркибий қисми бўлган азот ва

кислород электр разряд ҳодисаси бўлган чақмоқ энергияси таъсирида азот оксидларига айланади ва бу ёмғир суви орқали азот кислотасига ва ўғитга айланади.

Японлар қадимдан деҳқончилик билан шуғулланувчи халқ бўлиб, ушбу халқнинг меҳнаткаш, қаноатли ва шукроналик кайфиятини ифодаловчи характери ҳамда сабр - тоқат билан фаровон ва идеал ҳаётга интилаётганини ушбу халқ мақолларида ҳам кўриш мумкин:

Япон тилида:

石の上にも三年。 (Ishino uenimo sannen. ) [9; 87]

Тошнинг устида ҳам уч йил (ўтир).

Изоҳ: Ҳаёт қийинчиликларига тоқатли бўлган инсон албатта мукофотланади. Совуқ тошни иситиш учун ҳам унинг устида уч йил тоқат билан ўтириш керак. Ушбу мақол ўзбек тилида “Сабр таги сариқ олтин” мақолига мувофиқдир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, япон халқи учун мулоқот матнида ноаниқ иборалардан фойдаланиш ушбу халқнинг камтарлигини кўрсатишнинг бир усули ҳисобланади. Шунингдек, суҳбатдошнинг фикрини инкор этишда “йўқ” иборасини қўллаб, унинг ҳис - туйғуларини ранжитмаслик мақсадида ноаниқ иборалардан фойдаланишни афзал кўришади.

Ушбу маданиятни ифодаловчи мақоллар ҳам кўзга ташланиши қизиқарли ҳолат:

Япон тилида: 口は禍の門。 (Kuchiha wazawai nomon).

Оғиз - фалокат эшиги.

Ўзбек тилида: Оғиздан чиққан гапнинг ҳазили йўқ.

Изоҳ: Гапиришдан тийилиш амр, чунки бепарво сўзлар фалокат келтириши мумкин.

Маълумки, япониянинг табиий муҳити жуда гўзал ва орол турмуш тарзи ўзига хос бўлиб, инсон ва табиат бир - бири билан чамбарчас боғланганлиги асл моҳиятга эгадир. Ушбу халқ вакиллари табиат томонидан инсониятга турли ноз - неъматлар тақдим этгани учун инсон табиатни қадрлаши ва доимо унга таъзим қилиб яшаши даркор деб ҳисоблайдилар. Табиатнинг инсониятга турли неъматлар тақдим этиши ва унга шукроналик исҳор этиш орқали инсон ҳаётдаги донолигини ошириши ҳақидаги ғояларни ўзида мужассам этган кўплаб мақоллар мавжудлигини ҳам таъкидлаш мумкин:

Япон тилида: 朝虹は雨, 夕虹は晴れ。 (Asa niji wa ame, ta niji wa hare ).

Тонгги камалак ёмғир, кечки камалак қуёшли кундан дарак.

Ўзбек тилида: Кўзи қўчқордан нишон, ўғил - отадан.

Умуман олганда, ушбу турдаги ўхшаш мазмунли мақолларни ҳар иккала тилда ҳам кўплаб таҳлилга тортиш мумкин. Кўринадики, япон мақолларида кўпинча фикрни жонли ва тўғридан - тўғри ифодалаш учун, аксарият ҳолларда, қисқа ва лўнда ибораларга таянилади.

Тил ижтимоий маданиятни ифодалашнинг муҳим шаклларида бири бўлиб, умуман олганда, ўзгармас хусусиятга эгадир. Бироқ, жамият гуллаб - яшнаши ва тараққиёти баробарида инсониятнинг концептуал онги билан бир қаторда нутқ беағи бўлган сўзларнинг маъно - моҳияти ҳам ўзгариб бориши табиий. Тил таълими тадқиқотчиси сифатида тилнинг ўзини ўрганиш муҳим ҳисобланса - да, айти пайтда тил ўрганишда тил билан боғлиқ маданият, миллий хусусият ва тарих қабиларни ҳам эътиборга олиш ҳам зарурдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абакумова О.Б. Пословицы в языке, сознании и коммуникации. - СПб: Издательский дом «Алеф - Пресс», 2012.
2. Алпатов В. М. Япония. Язык и общество. - М.: Наука, 1988.
3. Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. - Челябинск: 2018.
4. Пермяков. Г.Л.Пословицы и поговорки народов Востока. -М: 1979.
5. Тўра Мирзаев, Асқар Мусоқулов, Баҳодир Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. -Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа аксиядорлик корпорацияси Бош таҳририяти, 2005.
6. Абе Кейко (阿部佳子) 疑問命令文について : 関連性理論の立場から //人間文化研究科年報、№ 16.- 奈良女子大学. 2000 .
7. Исикава Микико (石川美紀子) 「命令に関する試論一語用論的条件と構文的条件との関係から一」 - 2002.
8. Мацуги Шигеру (松木茂) 「ミニことわざ辞典」東京 : 1993.
9. Ории Эйжи (折井英治) 「暮らしの中のことわざ辞典」東京 : 1962.